

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

499 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–394-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–394-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 октябрь,
355-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 355-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон Миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 452-сон қарорида:

а) 5-банддаги «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банддаги «халқаро мусобақаларда» сўзлари «халқаро спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «республика федерациялари» сўзлари «республика спорт федерациялари (уюшмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон Миллий
кубогини бериш бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Ахмедов Б.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири, республика комиссияси раиси
2. Усманов М.З. — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси, республика комиссияси раиси ўринбосари
3. Алиев М.Б. — Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари
4. Курбанов Р.Д. — Олимпия шон-шухрати музейи директори
5. Джалилов Ш.М. — «Спорт» газетаси бош муҳаррири
6. Ганиев Б.М. — «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг раиси
7. Абилов Ф.И. — «Халқ сўзи» газетасининг спорт шарҳловчиси
8. Акрамов Ж.А. — Республика олимпия захиралари коллежи директори
9. Лавозимиға кўра — республика олий спорт маҳорати мактаблари директорлари.

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олимпия, паралимпия ҳамда сурдлимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун спорт-таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш»;

ўнинчи хатбошидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-бандда:

йигирма тўққизинчи хатбошидаги «мусобақаларда» сўзи «спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттиз биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон терма жамоалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттиз саккизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

ўттиз тўққизинчи хатбошидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқинчи хатбошидаги «оммавий спорт тадбирлари» ва «мамлакат терма жамоаларини» сўзлари тегишли равишда «спорт тадбирлари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари» ва «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқ биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қирқ иккинчи — қирқ тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда қирқ биринчи — қирқ саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қирқ биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилдиган халқаро спорт тадбирлари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида спортнинг алоҳида турлари бўйича қатнашадиган спортчиларни, Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини тасдиқлайди ва уларнинг иштирок этишини таъминлайди»;

қирқ иккинчи хатбошидаги «оммавий спорт тадбирларини» сўзлари «оммавий жисмоний тарбия тадбирларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритади, уни юритиш тартибини белгилайди;

халқаро ва республика миқёсидаги Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантиради ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уларнинг молиялаштирилиши ва ўтказилишини таъминлайди;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома беради;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркибларини ва уларнинг яқин захирасини тасдиқлайди, Ўзбекистон спорт делегацияларини жамлайди, уларнинг тайёргарлик кўришини ҳамда халқаро спорт мусобақаларида ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида иштирок этишини таъминлайди»;

в) 10-бандда:

ўн тўртинчи хатбошидаги «оммавий спорт тадбирларини» ва «мусобақалар» сўзлари тегишли равишда «спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини» ва «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги «жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий спорт тадбирлари ва бошқа тадбирлар» сўзлари «жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт тадбирлари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 августдаги 176-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 34-35-сон, 345-модда):

а) қарорнинг номидаги, 1-банддаги, 5-банднинг учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «ҳакамлар» сўзлари «спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон терма командалари» сўзлари «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «халқаро мусобақаларда» ва «малакали ҳакамлар» сўзлари тегишли равишда «халқаро спорт мусобақаларида» ва «малакали спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «миллий терма командалар» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мусобақаларда» сўзи «спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«футбол бўйича тренерлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тингловчиларга давлат намунасидаги сертификат берилади;

футбол бўйича спорт ҳакамларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тингловчиларга футбол бўйича халқаро спорт мусобақаларига ва республика спорт мусобақаларига хизмат кўрсатиш учун тегишли спорт ҳакамининг малака тоифасини олиш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат берилади;

д) иловада:

илованинг номидаги «ҳакамлар» сўзлари «спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳнинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ҳакамлар» сўзлари «спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги «мамлакат терма командаларининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси терма командаларини» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банддаги «спорт тадбирларининг календарь режасига» сўзлари «спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. РОЗТМ иши теннис бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзолигига тайёрланган номзодлар сони ҳамда ўқувчиларининг Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва халқаро спорт мусобақаларида иштироки натижаларига кўра баҳоланади»;

д) 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон терма командаларини» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 8-бандда:

учинчи хатбошидаги «мусобақаларда» сўзлари «спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси терма командалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «мусобақаларга» ва «ҳакамларни» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақаларига» ва «спорт ҳакамларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 10-бандда:

бешинчи хатбошидаги «республика мусобақалари» сўзлари «республика спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 15-банднинг тўртинчи хатбошидаги «асосий мусобақаларда» сўзлари «асосий спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 17-банднинг биринчи хатбошидаги ва 38-банддаги «халқаро мусобақаларда» сўзлари «халқаро спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Тарбияланувчиларнинг режали спорт тайёргарлигини таъминлаш мақсадида ўқув-машқ жараёни Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади, унинг асосида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси тузилади ва ушбу тадбирларда РОЗТМ тарбияланувчиларининг иштироки таъминланади»;

л) 31-банднинг иккинчи хатбошидаги «терма командаларни» сўзлари «спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 33-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 39 ва 40-бандлардаги «мусобақаларда» ва «мусобақалар» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақаларида» ва «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 40-модда):

а) муқаддимадаги «захира» сўзи «спорт захираси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Давлат бюджети параметрларида» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

2-банднинг биринчи хатбошидаги «терма жамоаларни» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

иккинчи хатбошидаги «олимпия захираси болалар-ёшлар спорт мактабларида ва ихтисослаштирилган болалар-ёшлар мактабларида» сўзлари «болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «халқаро мусобақаларда» ва «терма жамоалар» сўзлари тегишли равишда «халқаро спорт мусобақаларида» ва «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «халқаро мусобақаларда» сўзлари «халқаро спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандга «олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ёшлар спорт мактабларида» сўзларидан кейин «ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида» сўзлари қўшилсин;

22-банднинг учинчи хатбошидаги ва 31-банднинг учинчи хатбошидаги «мусобақаларда» сўзи «спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

50-банддаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

52-банддаги «Давлат бюджетидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

53-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат бюджетидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банднинг учинчи хатбошидаги ва 62-банддаги «мусобақаларда», «мусобақалар» ва «Спорт-оммавий тадбирлар календарь режасига» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақаларида», «спорт мусобақалари» ва «Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 9-сон, 50-модда):

а) 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Давлат бюджетидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «Давлат бюджетидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлим қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II. Спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш

5. Спорт мактаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил қилинади.

6. Спорт мактаби давлат муассасаси ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

7. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат спорт мактабининг муассислари бўлиши мумкин.

8. Спорт мактаби қуйидаги турларда ташкил этилиши мумкин:

болалар ва ўсмирлар спорт мактаби;

ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби;

олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби;

олий маҳорат спорт мактаби;

олий спорт маҳорати мактаби;

Республика олий спорт маҳорати мактаби.

9. Давлат спорт мактабларининг ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилмаган бошқа турларини ташкил этишга йўл қўйилмайди.

10. Спорт мактаби ҳам спортнинг фақат битта турини, ҳам спортнинг бир неча ҳар хил турларини ривожлантириш учун ташкил этилиши мумкин.

11. Спорт мактабида спорт турлари бўйича бўлимлар сони унинг муассиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий органлари билан келишган ҳолда белгиланади.

12. Спорт мактабларини давлат аккредитациясидан ўтказиш ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Спорт мактабида ўқувчи-спортчилар тайёрлаш сифати юзасидан давлат назорати белгиланган тартибда аттестация ўтказиш йўли билан ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади»;

16-банднинг олтинчи хатбошидаги «мактабга» сўзи «спорт мактабига» сўзлари билан алмаштирилсин;

V бўлимнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«V. Спорт мактаблари фаолияти»;

19-бандда:

учинчи хатбошидаги «Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва олий спорт маҳорати мактабига» сўзлари «Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий маҳорат спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби битирувчиларининг кейинчалик ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий маҳорат спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабида ўқишини ташкил этиш (таъминлаш) учун шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда (шу жумладан минтақада спорт тури бўйича спорт мактаби мавжуд эмаслиги туфайли), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий органлари билан келишган ҳолда муассиснинг қарори билан болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортда камолотга эришиш гуруҳлари ташкил этилиши мумкин. Ўқувчи-спортчиларнинг тегишли контингенти — Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари таркибларига номзодлар, малакали тренер-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-машқ ишлари режимини бажариш имконини берадиган моддий-техника базаси мавжуд бўлиши бунинг зарур шarti ҳисобланади»;

20-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Ўзбекистон Республикасининг ва ҳудудлар спорт терма жамоалари таркибларини тўлдиришга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлайди. Бу — мактаб фаолияти даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқув-машқ гуруҳлари, спортда камолотга эришиш ва олий спорт маҳорати гуруҳлари тузади. Минтақада спортнинг ушбу турлари бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлмаган айрим ҳолларда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий органлари

билан келишган ҳолда бошланғич тайёргарлик гуруҳлари ташкил этилиши мумкин.

Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тўртта йўналиш бўйича тузилади — спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика, сув спорти турлари, якка кураш ва гимнастика»;

21-банднинг учинчи хатбошидаги «болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига» сўзлари «болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабига» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабида ўқувчи-спортчиларни кўп йиллик спортга тайёрлашни ташкил этиш барча босқичларда қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади:

Т/р	Спорт тайёргарлиги босқичлари	Босқичнинг асосий вазифаси	Тайёрлаш даври	Спорт мактаблари турлари		
				болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	олий спорт маҳорати мактаби ва республика олий спорт маҳорати мактаби
1.	Спорт-соғломлаштириш	Ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳаракат фаоллиги танқислигини тўлдириш	бутун даврда	+	-	-
2.	Бошланғич тайёргарлик	Базавий тайёргарлик ва кейинчалик ихтисослашиш учун спортнинг муайян турини танлаш	3 йилгача	+	*	-
3.	Ўқув-масҳ	Ихтисослашув ва спортнинг танланган тури бўйича чуқурлаштирилган масҳ қилиш	5 йилгача	+	+	*
4.	Спортда камолотга эришиш	Спорт маҳоратини такомиллаштириш	3 йилгача	*	+	+
5.	Олий спорт маҳорати босқичи	Шахсий имкониятларни намоён қилиш	3 йил ва ундан ортиқ	-	*	+

Шартли белгилар:

- «+» — асосий функция;
- «*» — зарурият бўлганда ҳамда зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд бўлганда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда ташкил этишга рухсат берилади;
- «-» — тавсия этилмайди»;

23-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Спорт мактаби соғлиғининг ҳолатида чекланишлари ва спорт билан шуғулланиш учун тиббий нуқсонлари бўлмаган болалар, ўсмирлар ва ёшларга, шунингдек Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишган ҳолда имконияти чекланган болалар, ўсмирлар ва ёшларга ўқишга кириш ва ўқиш учун тенг шароитлар яратилган ҳолда улар билан тўлдирилади»;

24-банддаги ва 65-банднинг биринчи хатбошидаги «мактаб директорининг» сўзлари «спорт мактаби директорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи хатбошидаги «мактаб директори ва муассис» ва «мактаб ишларининг» сўзлари тегишли равишда «спорт мактаби директори ва муассиси» ва «спорт мактаби ишларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг биринчи хатбошидаги «мактаб тренерлар кенгашининг» сўзлари «спорт мактаби тренерлар кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

50-банддаги «спорт-оммавий тадбирлар таквими режасига» сўзлари «спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

51-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Ўқув-машқ йиғинларининг вазифалари спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси (туман, вилоят, республика ва халқаро) ҳисобга олинган ҳолда спорт мактабининг тренерлар кенгаши томонидан белгиланади. Ўқув-машқ йиғинлари ўқувчи-спортчиларнинг спорт маҳорати ошишини таъминлаши керак, муайян шароитларда ва машқ циклининг муайян даврларида ўтказилади»;

52-банддаги «таквим режасига» сўзлари «спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

55-банддаги, 57-банднинг иккинчи хатбошидаги, 60-банднинг иккинчи хатбошидаги, 61-банднинг иккинчи хатбошидаги, 64-банднинг биринчи хатбошидаги «мактаб», «мактабда» ва «мактабнинг» сўзлари «спорт мактаби», «спорт мактабида» ва «спорт мактабининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

70-банддаги «мактабнинг тиббиёт ходимлари» ва «мактабга бириктирилган» сўзлари тегишли равишда «спорт мактабининг тиббиёт ходимлари» ва «спорт мактабига бириктирилган» сўзлари билан алмаштирилсин;

73-банддаги «мактабнинг тиббиёт хонасида» сўзлари «спорт мактабининг тиббиёт хонасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

79-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Давлат бюджети» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари»;

в) 2-иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «Давлат бюджетидан» ва «Давлат бюд-

жети» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда айрим ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олий спорт маҳорати мактабларида ва Республика олий спорт маҳорати мактабларида тренер-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғи асосида бир нафар ўқувчи-спортчи учун нормативлар бўйича амалга оширилиши мумкин»;

9-банддаги «халқаро мусобақалар» сўзлари «халқаро спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

иккинчи хатбошидаги «терма жамоасининг» сўзлари «спорт терма жамоасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «кўрсатиб ўтилган мусобақаларда» ва «халқаро мусобақалар» сўзлари тегишли равишда «кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида» ва «халқаро спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун — кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи-спортчи томонидан эришилган натижа (I — III ўринлар) санасидан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади ва шу каби кейинги Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари ўтказилгунгача сақланиб қолади, бироқ бир йилдан кўп бўлмаган даврга»;

14-банддаги, 15-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 16-банднинг иккинчи хатбошидаги «терма жамоасининг» сўзлари «спорт терма жамоасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олий маҳорат спорт мактабларида, олий спорт маҳорати мактабларида ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабларида ишлаётган тренер-ўқитувчиларга базавий тариф ставкалари 15 фоизга оширилади. Бунда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олий маҳорат спорт мактаблари, олий спорт маҳорати мактаблари ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабларининг тренер-ўқитувчиларига қўшимча ҳақ ва устамалар, ушбу оширилишни ҳисобга олмасдан, базавий тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

22-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мак-

табларида, олий маҳорат спорт мактабларида, олий спорт маҳорати мактабларида ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабларида ишлаётган катта тренер-ўқитувчиларга, катта инструктор-методистларга, шунингдек «Хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвонига эга бўлган ходимларга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгиланади»;

27-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «кўрсатиб ўтилган мусобақаларда» сўзлари «кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «терма жамоасининг» сўзлари «спорт терма жамоасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

28 ва 29-бандлардаги «терма жамоаси» сўзлари «спорт терма жамоаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Терма жамоалар ҳамда уларнинг захира-сини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 апрелдаги 121-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 4-сон, 29-модда):

а) қуйидаги мазмундаги 1¹-банд қўшилсин:

«1¹. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази уч йилда бир маротаба «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари дастурларига киритилган асосий спорт турларини ҳар бир таълим муассасасида белгиласин ва тасдиқласин»;

б) 1-иловада:

1-банднинг учинчи — еттинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси (кейинги ўринларда календарь режа деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги расмий спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирлари рўйхатини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлаш ва уларнинг иштирок этишини таъминлаш бўйича тадбирлар рўйхатини белгиловчи ҳужжат;

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

спортчи — танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс;

тренер — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага

эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари (кейинги ўринларда терма жамоалар деб аталади) — халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари»;

3-банддаги «федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)» сўзлари «федерациялари (уюшмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қоплашга ажратилган мақсадли пул (молиявий) маблағларини холисона ва оқилона тақсимлаш мақсадида ваколатли орган ҳузурида спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари) ва республика олий спорт маҳорати мактаблари томонидан Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси спортчилари ва тренерларига қоплаш лимитлари сонини ажратиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) тузилади.

6. Комиссия раиси ва аъзолари ваколатли органнинг қарори билан 1 йил муддатга тайинланадилар. Комиссия 11 нафар аъзодан иборат бўлади, унинг таркибига ваколатли органнинг тегишли бошқармалари бошлиқлари, республика федерациялари (уюшмалари)нинг ёки спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабларининг раҳбарлари ёки вакиллари киритилиши мумкин»;

9-банддаги «ҳар ойда» сўзлари «ҳар чоракда» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Комиссия спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари)нинг ёки спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабларининг буюртмаларидан келиб чиққан ҳолда терма жамоалар ва уларнинг захираси бўйича қоплаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини ҳар чоракда тақсимлайди;

16-банддаги «федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг» сўзлари «федерациялари (уюшмалари)нинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг жадвалидаги «федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг» сўзлари «федерациялари (уюшмалари)нинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «календарь режада» сўзлари «спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

1-банддаги «спорт турлари бўйича спорт делегациялари ва терма жамоаларини» сўзлари «спорт делегациялари ва спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқари-сидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни ҳамда уларда қатнашишни амалга оширувчи жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, спорт федерациялари (уюшмалари) ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) учун мажбурий ҳисобланади»;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли органлар — давлат бошқаруви ва маҳаллий (вилоят, шаҳар, туман) ижро этувчи ҳокимият органлари, уларга спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ёки уларда қатнашиш учун бюджет маблағлари ажратилади;

жисмоний тарбия-спорт ташкилоти — фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ёки бошқа юридик шахснинг таркибий бўлинмаси;

спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси (кейинги ўринларда календарь режа деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги расмий спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирлари рўйхатини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлаш ва уларнинг иштирок этишини таъминлаш бўйича тадбирлар рўйхатини белгиловчи ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари регламенти (кейинги ўринларда регламент деб аталади) — спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ҳамда уларга қўйиладиган мажбурий шартлар ва талабларни, шунингдек уларда қатнашиш шартларини белгиловчи қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тўғрисида низом — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва уларда қатнашиш тартиби ва шартларини белгилайдиган ҳужжат;

спорт мусобақаси — спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув;

спорт тадбирлари — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар;

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик

кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

ўқув-машқ йиғинлари — спортчиларни спорт мусобақаларига ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларига тайёрлаш ва уларда иштирок этиш, шунингдек ушбу тадбирлардан кейин тиклаш мақсадида спортчиларнинг спорт маҳоратини оширишга йўналтирилган, спорт йўналишидаги, педагогик ва тарбиявий йўсиндаги ташкил этилган тадбирлар;

спорт курслари, семинарлари ва конференциялари — спортчиларнинг, тренерлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар;

спортчи — танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс;

тренер — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

спорт ҳаками — спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари — халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари;

спорт терма жамоалари — турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат бўлган, мусобақаларга ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларига тайёрланиш ва уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қатнашиш мақсадида ташкил этиладиган турли ташкилотларнинг жамоалари (шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари);

тренерлар кенгаши — спорт турлари бўйича спорт терма жамоаларининг бош (катта) тренерлари ва тренерлари, бошқа етакчи ва нуфузли тренерлар, врачлар, комплекс илмий гуруҳлар раҳбарлари ва спорт терма жамоаларининг бошқа мутахассисларидан иборат бўлган, спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари) ҳузурида ёки улар бўлмаган тақдирда — спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари ҳузурида ташкил этиладиган спорт терма жамоаларининг спорт, педагогик ва тарбиявий фаолиятини тартибга солиб боровчи жамоа;

спорт делегацияси — битта ёки бир неча спорт терма жамоаларидан иборат бўлган ташкилот, минтақа ёки мамлакат номидан вакиллик қиладиган, раҳбар, унинг ўринбосарлари, менежерлар ва бошқа мутахассислар бошчилик қиладиган жамоа;

комплекс илмий гуруҳ — спорт турлари бўйича терма ва клуб жамоаларида илмий-методик ишларни ҳамда илмий-методик таъминлашни амалга оширувчи мутахассислар жамоаси;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари қатнашчиси — зиммасига спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирини ташкил этиш, ўтказиш ёки уларда бевосита қатнашиш функциялари юкланган жисмоний шахс. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари қатнашчилари жумласига қуйидагилар киради:

а) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг раҳбари ва маъмурий ходими;

б) спорт терма жамоаларининг спортчилари, тренерлари, ҳакамлари, раҳбарлари (вакиллари, бошлиқлари) ва менежерлари;

в) техник ходимлар;

г) хизмат кўрсатувчи ходимлар;

мулкий таъминлаш — спорт терма жамоаларининг спортчилари, тренерлари, ҳакамлари, олимлари ва бошқа мутахассисларини тегишли спорт буюмлари, кийим-бош, анжомлар, асбоб-ускуналар, ташхис аппаратлари ва шу кабилар билан таъминлаш;

спорт иншооти — спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулотлари ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очиқ типдаги ихтисослаштирилган иншоот»;

4-банддаги «ҳакамлари» сўзи «спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

олтинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

биринчи хатбошидаги «мусобақани ўтказадиган» ва «(мусобақаси, ўқув-тренировка йиғини ва шу кабилар)» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақасини ўтказадиган» ва «(спорт мусобақаси, ўқув-машқ йиғини ва шу кабилар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича спорт делегациялари, терма жамоалар» сўзлари «спорт делегациялари, Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи, ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилардаги «мусобақаларнинг» ва «мусобақалар» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақаларининг» ва «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ваколатли органлар ва спорт ташкилотлари спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини тасдиқланган спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига, спорт тадбирини ўтказиш регламенти (низоми)га, ташкилий қўмиталарнинг таклифномаларига (регламентларига) мувофиқ ўтказадилар ва уларда қатнашадилар»;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоаларни тайёрлаш ва уларнинг мусобақаларда» сўзлари «спорт терма жамоаларини тайёрлаш ва уларнинг спорт мусобақаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «терма жамоалар» сўзлари «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини молиялаштириш сўмларда ва/ёки хорижий валютада, тасдиқланган спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси асосида, амалдаги нормаларга, шунингдек халқаро ва республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари, ўқув-машқ йиғинлари, курслар (семинарлар) ва шу қабиларнинг ташкилотчилари томонидан белгиланган молиявий шартларга мувофиқ ваколатли органга, ташкилотга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади»;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги «оммавий-спорт тадбирининг» сўзлари «спорт тадбири ва оммавий жисмоний тарбия тадбирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирини» сўзлари «спорт тадбири ва оммавий жисмоний тарбия тадбирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

биринчи хатбошидаги «терма жамоаларнинг» сўзлари «спорт терма жамоаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Спорт терма жамоаларининг турли спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларида қатнашиш учун кетаётганда хорижий давлат ҳудудида овқатланиши ва яшаши қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар бўйича назарда тутилади, агар тадбир ўтказиладиган жойдаги ташкилий қўмита шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Бунда агар спорт делегациясининг яшаш ва овқатланиш нормалари ташкилий қўмита шартларига мувофиқ тасдиқланган нормалардан юқори бўлса, у ҳолда ташкилий қўмита нормалари қўлланади»;

20-банднинг учинчи хатбошидаги «спорт бўйича ҳакамлар» сўзлари «спорт ҳакамлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг биринчи хатбошидаги «республика мусобақалари» сўзлари «республика спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги «спорт турлари бўйича спорт делегациялари, терма жамоалар ва уларнинг захираси» сўзлари «спорт делегациялари, спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги «спорт турлари бўйича терма жамоалар ва уларнинг захираси» сўзлари «спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Спорт терма жамоалари аъзоларини реабилитация қилиш ва саломатлигини тиклаш бўйича қуйидагилар билан боғлиқ бўлган харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади»;

Низомга 1-иловада:

2-бандда:

«а» кичик бандидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандидаги «мусобақалар» сўзи «спорт мусобақалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандидаги «йиғинлар» сўзи «ўқув-машқ йиғинлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «мусобақаларига тайёрланиш» ва «мусобақаларни» сўзлари тегишли равишда «спорт мусобақаларига тайёрланиш» ва «спорт мусобақаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мусобақалар қоидаларига» сўзлари «спорт мусобақалари қоидаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларига
хизмат кўрсатиш учун спорт ҳакамларига тўланадиган
бир кунлик тўлов
МИҚДОРЛАРИ**

**(энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган миқдорига
нисбатан коэффицентларда)**

Ҳакамлар лавозимлари	Ҳакамлар тоифалари				
	ХТ/МТ	1-г	2-г	3-г	С/Ҳ
Бош спорт ҳаками	24%	22%	20%	19%	—
Бош котиб	24%	22%	20%	19%	—
Бош спорт ҳаками ўринбосари	22%	21%	18%	17%	—
Бош котиб ўринбосари	22%	21%	18%	17%	—
Спорт ҳакамлари	21%	19%	18%	17%	16%

Изоҳ.

Спорт ҳаками малакасининг шартли белгилари:

ХТ — халқаро тоифали; МТ — миллий тоифали; 1-т — биринчи тоифали;

2-т — иккинчи тоифали; 3-т — учинчи тоифали; С/Х — спорт бўйича ҳакам.

Ўзбекистонда ўтказиладиган расмий халқаро спорт мусобақаларига хизмат кўрсатадиган спорт ҳакамларига тўловлар ушбу спорт мусобақаларининг регламенти (низоми)да назарда тутилган тартибда ва миқдорларда амалга оширилади, улар ўз навбатида тегишли халқаро ташкилот томонидан тасдиқланган (келишилган) бўлиши керак.

Тўловлар миқдорлари спорт мусобақаларининг бир кунига хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган, битта ўйин учун хизмат кўрсатганлик учун тўловлар амалга ошириладиган спортнинг жамоавий ўйин турлари бундан мустасно.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг бош спорт ҳаками томонидан имзоланган рўйхати спорт мусобақаларига хизмат кўрсатганлиги учун спорт ҳакамларига тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Спорт мусобақаларига хизмат кўрсатганлик учун спорт ҳакамларига тўлов мусобақалар ўтказиладиган жойда, спорт мусобақасини ўтказаетган спорт ташкилотининг сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Спорт мусобақаларига хизмат кўрсатганлик учун спорт ҳакамларига тўлов уларга кўрсатиладиган, низомда (регламентда) назарда тутилган моддий таъминот (овқатланиш, яшаш)нинг бошқа турларидан қатъи назар, амалга оширилади»;

Низомга 3-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Оммавий тусдаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида (фестиваллар, спартакиадалар, комплекс спорт мусобақалари, ногиронлар, ақлан заиф спортчилар ўртасидаги спорт мусобақалари, аҳоли, спорт фахрийлари ўртасидаги спорт тадбирлари ва шу кабиларда) спорт мусобақалари қатнашчиларининг спортдаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида 1, 2, 3-ўринлар учун совға мукофотларига қўшимча равишда, ўтказиладиган спорт тадбирлари ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тўғрисидаги тасдиқланган низомларда (регламентларда) назарда тутилган номинациялар бўйича алоҳида совғалар таъсис этилиши мумкин»;

4-банднинг «а» кичик бандидаги «спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини» сўзлари «спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўқув-масқ йиғинлари
ТАСНИФИ**

Т/р	Ўқув-масқ йиғинлари номи	Ўқув-масқ йиғинларини ўтказувчи ташкилот	Ўқув-масқ йиғинлари давомийлиги	Ўқув-масқ йиғинлари қатнашчилари	Ўқув-масқ йиғинлари қатнашчиларининг энг кўп сони
1. Халқаро спорт мусобақаларига тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари					
1.	Спорт терма жамоаларининг расмий халқаро спорт мусобақаларига тайёрланиши бўйича ўқув-масқ йиғинлари	Жамоаларни халқаро спорт мусобақаларига юборувчи ваколатли органлар, спорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар	24 кунгача	Спорт терма жамоалари	Спорт мусобақаларига қўйиладиган спортчиларнинг иккитагача таркибини ваколатли орган белгилайди
2.	Ўзбекистон спорт терма жамоаларининг Олимпиада, Паралимпиада, Махсус олимпиада, Сурдолимпиада, Жаҳон ва Осиё ўйинларига, жаҳон (босқичлар бўйича) ва Осиё чемпионатларига ва кубокларига, қитъа чемпионатлари ва кубокларига тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари, индивидуал жадвал режаси ва прогноз қилинаётган натижалар тақдим этилган тақдирда	Жамоаларни халқаро спорт мусобақаларига юборувчи ваколатли органлар, спорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар	90 кунгача	Терма жамоалар	Спорт мусобақаларига қўйиладиган спортчиларнинг учтадан кўп бўлмаган таркибини ваколатли орган белгилайди
3.	Умумий жисмоний, махсус техник-тактик тайёргарлик, тикланиш ва спортчиларни тиббий текширишдан ўтказиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари	Жамоаларни халқаро спорт мусобақаларига юборувчи ваколатли органлар, спорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар	24 кунгача	Терма жамоалар	Спорт мусобақаларига қўйиладиган учтадан кўп бўлмаган таркиблар
4.	Бошқа халқаро спорт мусобақаларига (норасмий, ўртоқлик, кўргазмали) мусобақаларга тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари	Жамоаларни халқаро спорт мусобақаларига юборувчи ваколатли органлар, спорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар	18 кунгача	Халқаро спорт мусобақаларида қатнашувчи жамоалар	Спорт мусобақаларида қатнашишга қўйиладиган, 50 фоизга кўпайтирилган таркиб

Т/р	Ўқув-масқ йиғинлари номи	Ўқув-масқ йиғинларини ўтказувчи ташкилот	Ўқув-масқ йиғинлари давомийлиги	Ўқув-масқ йиғинлари қатнашчилари	Ўқув-масқ йиғинлари қатнашчиларининг энг кўп сони
2. Республика спорт мусобақаларига тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари					
1.	Комплекс республика спорт мусобақаларининг («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада», спартакиада, ёшлар, ўсмирлар ўйинлари) финал спорт мусобақаларига тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари	Жамоаларни комплекс тадбирларнинг финал спорт мусобақаларига юборувчи ташкилотлар	24 кунгача	Финал спорт мусобақаларида қатнашувчи жамоалар	Финал спорт мусобақаларига қўйиладиган спортчиларнинг бир яримтагача таркиби
2.	Республиканинг бошқа спорт мусобақаларига (чемпионатларига, кубокларига, республика турнирларига) тайёрланиш бўйича ўқув-масқ йиғинлари	Республика спорт тадбирларини ўтказиш режаларига мувофиқ жамоаларни спорт мусобақаларига юборувчи ташкилотлар	18 кунгача	Республика спорт мусобақаларида қатнашувчи жамоалар	Спорт мусобақаларига қўйиладиган спортчиларнинг бир яримтагача таркиби

».

Низомга 5-иловада:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «календарь режасида» сўзлари «спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги низомни ҳамда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 44-модда):

а) қарорнинг номидаги ва муқаддимадаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» ва «спорт турлари бўйича терма жамоаларни» сўзлари тегишли равишда «Спорт терма жамоалари» ва «спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

илованинг номидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «спорт турлари бўйича терма жамоаларни» сўзлари «спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

жисмоний тарбия-спорт ташкилоти — фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ёки бошқа юридик шахснинг таркибий бўлинмаси;

спорт мусобақаси — спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув;

спорт тадбирлари — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар;

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

ўқув-машқ йиғинлари — спортчиларни спорт мусобақаларига ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларига тайёрлаш ва уларда иштирок этиш, шунингдек ушбу тадбирлардан кейин тиклаш мақсадида спортчиларнинг

спорт маҳоратини оширишга йўналтирилган, спорт йўналишига, педагогик ва тарбиявий йўсиндаги ташкил этилган тадбирлар;

спортчи — танлаган спорт тури ёки спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган, доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс;

тренер — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари — халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари;

спорт терма жамоалари — турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат бўлган, мусобақаларга ҳамда оммавий-жисмоний тарбия тадбирларига тайёрланиш ва уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қатнашиш мақсадида ташкил этиладиган турли ташкилотларнинг жамоалари (шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари);

тренерлар кенгаши — спорт турлари бўйича бош (катта) тренерлар ва тренерлар, бошқа етакчи ва нуфузли тренерлар, врачлар, комплекс илмий гуруҳлар раҳбарлари ва бошқа мутахассисларидан иборат бўлган, спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари)да ёки улар бўлмаган тақдирда — республика олий спорт маҳорати мактабларида ташкил этиладиган спортчиларнинг спорт, педагогик ва тарбиявий фаолиятини тартибга солиб боровчи жамоа»;

II бўлимнинг номидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоаларни» сўзлари «Спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

биринчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва спорт турлари бўйича уларнинг захирасини» сўзлари «спорт терма жамоаларини ва уларнинг захирасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «терма жамоаларни ва уларнинг захирасини» сўзлари «спорт терма жамоаларини ва уларнинг захирасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари республикада спорт терма жамоаларининг олий мақомига эгадирлар.

6. Спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт терма жамоалари ҳудудий спорт терма жамоаларининг олий мақомига эгадирлар»;

7-банддаги «Спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларнинг захирасини» сўзлари «Спорт терма жамоаларини ва уларнинг захирасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Спорт терма жамоалари:

спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари)нинг ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабининг (улар мавжуд бўлса) келишилган тақдимномаси бўйича;

спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт терма жамоалари — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерациялар (уюшмалар)нинг (улар мавжуд бўлса) тақдимномаси бўйича;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг спорт терма жамоалари — тегишли жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари маъмурияти томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан тасдиқланади, ҳудудий спорт терма жамоалари Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тасдиқланади»;

9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Спорт терма жамоалари (асосий таркиб ва захира (стажёрлар)) таркибига қуйидагилар киради:»;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Спорт терма жамоалари таркиблари катталар, ёшлар (болалар), ўсмирлар ёш тоифаларидаги спортчилардан, шунингдек спорт фахрийларидан иборат бўлади. Ёш цензи спорт турлари хусусиятларига мувофиқ, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари) томонидан, халқаро спорт ташкилотларининг тасдиқланган норма ва қоидаларига мувофиқ белгиланади»;

11-банддаги «Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг» ва «спорт турлари бўйича терма жамоаларга» сўзлари тегишли равишда «Спорт терма жамоаларининг» ва «спорт терма жамоаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

12 — 14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Спорт терма жамоаларининг таркиблари ўтган спорт мавсумида расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларидаги иштироки яқунла-

рига кўра, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари)нинг ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабининг (улар мавжуд бўлса) ҳузурида ташкил этилган тренерлар кенгашларида уларни муҳокама қилган ҳолда шакллантирилади.

13. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

14. Спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари тренерлари республика олий спорт маҳорати мактаблари (улар мавжуд бўлса) ҳамда спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари) томонидан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт терма жамоаларининг тренерлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерациялар (уюшмалар)нинг (улар мавжуд бўлса) ва/ёки жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тақдимномасига кўра тайинланади.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг спорт терма жамоалари тренерлари тегишли жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари маъмурияти томонидан тайинланади.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари тренерлари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан тайинланади, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳудудий спорт терма жамоалари тренерлари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинланади»;

15-банддаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларининг маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимларини тайинлаш, шунингдек уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари) томонидан амалга оширилади»;

17, 19, 20-бандлардаги, III бўлимнинг номидаги, 26-банднинг биринчи, иккинчи, бешинчи, олтинчи, саккизинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи, йигирманчи хатбошиларидаги, IV бўлимнинг номидаги, 27, 31-бандлардаги, V бўлимнинг номидаги, 32-банднинг биринчи хатбошидаги ва 33-банддаги «спорт турлари бўйича терма жамоалар», «спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг» ва «спорт турлари бўйича терма жамоаларни» сўзлари тегишли равишда «спорт терма жамоалари», «спорт тер-

ма жамоаларининг» ва «спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Спорт терма жамоаларининг таркиблари буйруқ билан 1 йил муддатга тасдиқланади ва жорий йилнинг 1 январидан 31 декабригача амал қилади. Спорт терма жамоаларининг тасдиқланган таркибини қуйидагилар муносабати билан қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади»;

олтинчи хатбошидаги «терма жамоалар» сўзлари «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бермайдиган спортчиларни спорт терма жамоаларига киритишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаса (Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари учун);

спорт терма жамоалари таркибидаги кичик ёш тоифасидагилардан катта бўлса;

спорт билан шуғулланиш учун тиббий рухсатномага ва тегишли спорт ҳужжатига (спортчининг малака синов дафтарчасига, спорт гувоҳномасига, спортчи паспортига) эга бўлмаса»;

22-бандда:

биринчи хатбошидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар ва уларнинг захираси» сўзлари «Спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-бандда:

биринчи хатбошидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича мамлакат, ҳудуд терма жамоалари» сўзлари «мамлакат, ҳудуд спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз шахсий намунаси билан спорт терма жамоасида ўртоқлик, соғлом рақобатлашиш, спорт терма жамоасининг маъмуриятига ва хизмат кўрсатувчи ходимларига, спорт ҳакамларига, томошабинларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини қарор топтиришга интилиш»;

олтинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоанинг» сўзлари «спорт терма жамоасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркибининг спортчилари ва тегишли республика спорт федерациялари (уюшмалари) ўртасида контрактлар тузилиши мумкин.

Контрактларда уларга махсус иловалар тарзида (илованинг мавжудлиги

контракт матнида акс эттирилган бўлиши керак) қуйидаги шартлар (республика федерациялари (уюшмалари) ўз маблағлари ҳисобига) назарда тутилиши мумкин»;

28 — 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Терма жамоалар иштирокидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган тартибда тасдиқланган спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси, спорт терма жамоаларини тайёрлаш режаларига, шу жумладан спортчиларни тайёрлашнинг индивидуал режаларига, шунингдек спорт ёки жисмоний тарбия тадбирлари ҳақидаги низомлар (регламентлар)га мувофиқ амалга оширилади.

29. Спорт терма жамоалари аъзолари мансуб бўлган ташкилотлар ҳамда спорт терма жамоалари аъзоларининг ўзлари спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларига чақириш тўғрисида ва режалаштирилаётган бориш йўналиши тўғрисида тадбирлар ўтказиладиган санадан камида 15 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

30. Спорт терма жамоаларининг спортчилари, тренерлари, спорт тадбирининг (ҳар бири бўйича алоҳида) маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг номма-ном таркиби спорт терма жамоаларининг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ спортчилар ва тренерлар, маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан шакллантирилади»;

35-банднинг биринчи хатбошидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг» ва «спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари тегишли равишда «Спорт терма жамоаларининг» ва «спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги «спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «спорт федерациялари (уюшмалари) спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1 ва 2-иловаларнинг кўрсаткичидаги «Спорт турлари бўйича терма жамоалар» сўзлари «Спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жисмоний тарбия-спорт ташкилоти — фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ёки бошқа юридик шахснинг таркибий бўлинмаси;

спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси (кейинги ўринларда календарь режа деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги расмий спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирлари рўйхатини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлаш ва уларнинг иштирок этишини таъминлаш бўйича тадбирлар рўйхатини белгиловчи ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари регламенти — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ҳамда уларга қўйиладиган мажбурий шартлар ва талабларни, шунингдек уларда қатнашиш шартларини белгиловчи қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тўғрисида низом — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва уларда қатнашиш тартиби ва шартларини белгилайдиган ҳужжат;

спорт мусобақаси — спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари (спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув;

спорт тадбирлари — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар;

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бўлиб, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

ўқув-машқ йиғинлари — спортчиларни спорт мусобақаларига ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларига тайёрлаш ва уларда иштирок этиш, шунингдек ушбу тадбирлардан кейин тиклаш мақсадида спортчиларнинг спорт маҳоратини оширишга йўналтирилган, спорт йўналишига, педагогик ва тарбиявий йўсиндаги ташкил этилган тадбирлар;

спорт курслари, семинарлари ва конференциялари — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар;

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларнинг захирасини» сўзлари «спорт терма жамоаларини ва уларнинг захирасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларни захирасини» сўзлари «спорт терма жамоаларини ва уларнинг захирасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «спорт федерациялари» сўзлари «спорт федерациялари (уюшмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг «в» кичик банди тўртинчи хатбошидаги «спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари» сўзлари «Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг учинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг захираси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг

спорт терма жамоалари ва уларнинг захираси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «халқаро спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг» сўзлари «халқаро спорт ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

биринчи хатбошидаги «10 октябридан кечикмай» сўзлари «10 ноябридан кечикмай» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» — «г» кичик бандлардаги «федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)» сўзлари «федерациялари (уюшмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи хатбошидаги ва 18-банддаги «спорт турлари бўйича терма жамоалар ва улар захирасининг» сўзлари «спорт терма жамоалари ва улар захирасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг иккинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича терма жамоани» сўзлари «спорт терма жамоасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Спорт терма жамоалари турли спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашиш учун жўнаб кетаётганда хорижий давлат ҳудудида овқатланиш ва яшаш харажатлари Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низом бўйича назарда тутилади, агар спорт тадбири ўтказиладиган жойдаги ташкилий қўмитанинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Бунда, агар ташкилий қўмитанинг шартларига мувофиқ спорт делегациясининг яшаш ва овқатланиш нормалари тасдиқланган нормалардан юқори бўлса, у ҳолда ташкилий қўмитанинг нормалари қўлланилади»;

23-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларидаги, 24-банддаги ва 29-банднинг иккинчи хатбошидаги «федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг» ва «спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)» сўзлари тегишли равишда «федерациялари (уюшмалари)нинг» ва «спорт федерациялари (уюшмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-бандга «бир ой олдин» сўзларидан кейин» («истисно ҳолатларда 10 кун олдин») сўзлари қўшилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 81-модда):

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон миллий терма жамоасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «спорт мусобақалари тақвими» сўзлари «спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

10-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «мамлакат терма жамоалари стажёрлари (яқин захира)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 майдаги 132-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 258-модда):

а) муқаддимадаги «республика терма жамоаларини» ва «мамлакат терма жамоаларининг» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини» ва «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг бешинчи хатбошидаги «спорт мусобақалари тақвимига» сўзлари «спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

учинчи хатбошидаги «республика терма жамоалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон терма жамоаларини» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «мусобақаларини» сўзлари «спорт мусобақаларини» сўзлари билан алмаштирилсин.